

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

309 Савдо ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда химояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг намунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2245*

(2011 йил 29 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Мехнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Савдо ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда химояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг намунавий нормалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 20 июнь,
34-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2011 йил 20 июндаги
34-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Савдо ходимлари учун махсус кийим, махсус
пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа
воситаларини бепул беришнинг
НАМУНАВИЙ НОРМАЛАРИ**

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситалари номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
1.	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотувчиси	Нефть маҳсулотлари савдосида:	
		Ип газлама халат	12
		Кўкракпешли резина фартук	12
		Резина энглик	6
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Химиявий-бўёқли моллар савдосида:	
		Ип газлама халат	12
		Резина фартук	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Хўжалик моллари савдосида:	
		Комбинацияланган қўлқоп	6
		Қурилиш моллари, кўмир савдоси ва ёғоч-тахта базалари ва омборларида:	
		Ип газлама костюм ёки сув ўтказ-майдиған модда шимдирилган костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	6
		Чарм ботинка ёки кирза этик	12
		Кўчма савдо объектларида қишда кўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
		Уруғ, кўчат, гул туваклари, гуллар савдосида:	
		Комбинацияланган қўлқоп	6
2.	Озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилувчи сотувчи, буфетчи	Гўшт ва балиқ маҳсулотлари савдосида:	
		Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Резина фартук	12
		Резина қўлқоп	6
		Картошка ва сабзавотлар билан чакана савдо қилишда:	
		Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Резина фартук	12
		Резина энглик	12
		Резина қўлқоп	6

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситалари номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
		Алкоголли ичимликлар билан чакана савдо қилишда:	
		Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Нон ва нон-булка маҳсулотлари билан савдо қилишда:	
		Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Резина қўлқоп	3
		Қўчма савдо объектларида қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Озиқ-овқат музи савдосида:	
		Резина фартук	12
		Комбинацияланган қўлқоп	6
		Резина энглик	12
3.	Гўштни майдаловчи, сотувчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Резина кўкракпешли фартук	12
		Резина қўлқоп	6
		Резина энглик	12
4.	Балиқ тозаловчи, сотувчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Резина кўкракпешли фартук	12
		Резина энглик	12
		Резина қўлқоп	6
		Қўчма савдо объектларида қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
5.	Сутли маҳсулотлар сотувчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Ип газлама фартук	12
		Ип газлама энглик	6
		Резина қўлқоп	6
		Қўчма савдо объектларида қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
6.	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчиси	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Ип газлама фартук	12
		Резина қўлқоп	3
		Қўчма савдо объектларида қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		7.	Мева-сабзавот ва картошкани тозаловчи
Ип газлама халат	12		
Ип газлама қалпоқча	12		
Резина қўлқоп	6		

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситалари номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
		Кўкракпешли резина фартук	12
8.	Буюмларни тахловчи, омборхона ишчиси	Комбинацияланган қўлқоп	2
		Химиявий-бўёқли ва хўжалик моллари омборларида қўшимча:	
		Ип газлама фартук	6
9.	Ёрдамчи ишчи	Химиявий-бўёқли ва қурилиш моллари савдоси дўконлари ва омборларда:	
		Ип газлама фартук	6
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Кислота ва химикатлар билан ишлашда:	
		Резина қўлқоп	6
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
10.	Товаршунос	Металл, қуйма молларни ва қурилиш материалларини саралашда:	
		Ип газлама фартук	12
		Ип газлама энглик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
11.	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бинолари фарроши	Ип газлама халат	12
		Резина фартук	12
		Ип газлама қўлқоп	3
		Резина калиш	24
		Резина энглик	12
12.	Кўчма савдо объектларида хизмат кўрсатувчи фаррош	Ип газлама халат	12
		Резина фартук	12
		Ип газлама қўлқоп	3
		Резина калиш	24
		Резина энглик	12
		Кўчма савдо объектларида қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36

Якуний қоида

Мазкур Намунавий нормалар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2011 йил 20 июнь